



## БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ АУДИТИДА ИМПОРТ ТОВАРЛАР БОЖХОНА ҚИЙМАТИНИ ЎРГАНИШ АЛОҲИДА МЕЗОН СИФАТИДА

**Садуллаев Сардорбек Фозил ўғли**

Божхона институти магистранти

**Маккамов Зокиржон Хусанбоевич**

Иқтисодий фалсафа фанларидоктори, дотсент

Божхона Қўмитаси Боэхона институти

Божхона хизмати подполковниги

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10409318>

### ARTICLE INFO

Received: 12<sup>th</sup> December 2023

Accepted: 19<sup>th</sup> December 2023

Online: 20<sup>th</sup> December 2023

### KEY WORDS

*Аудит, импорт, адвалор ставка, хос ставка, аралаш ставка, божхона қиймати, божхона назорати.*

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада божхона тўловлари ставкалари ва уларни қўлланилиши таҳлили, товарнинг турли босқичлардаги қиймати, божхона қийматини аниқлаш усуллари, божхона қийматини аниқлаш усулларининг қиёсий таҳлили, олиб келинадиган товарнинг божхона қийматининг харажатлари қай тартибда ҳисобланиши, БЮД расмийлаштирилаётганда аниқланган ва божхона органи томонидан қабул қилинган товарнинг божхона қийматини аниқлаш усули ва божхона қиймати суммасининг ҳисоб-китоби ҳақида кенг ёритилган.*

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра четдан импорт қилинадиган товарлар учун божхона божлари, акциз ва қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ҳамда божхона йиғимлари ундирилиши кўзда тутилган<sup>1</sup>, бўлиб божхона тўловлари адвалор, хос ва аралаш ставкаларда белгиланиши мумкин<sup>2</sup>. Адвалор ставка тўлов ундириладиган товарнинг божхона қийматига нисбатан фоизларда, хос ставка тўлов ундириладиган товар бирлиги учун белгиланган миқдорда ҳисобланса, аралаш ставка эса ҳар икки ставкани ўз ичига олади. Бугунги кунда жами ҳисобланган божхона тўловларининг 96 фоизи адвалор ставкада ҳисобланган тўловларига тўғри келаётганлиги божхона расмийлаштируви жараёнида божхона қийматини аниқлаш қанчалар муҳимлигидан далолат беради (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Божхона тўловлари ставкалари турлари ва уларни қўлланилиши таҳлили<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 289-модда. Божхона тўловларининг турлари.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 293-модда. Божхона тўловлари ставкаларининг турлари ва уларни ҳисоблаб чиқариш тартиби.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



№	Ставка тури	Мисол	Қайси божхона тўловларида қўлланилади	Божхона тўловларида улуши
1	Адвалор	10 %; 70%	Импорт божи, Акциз ва ҚҚС	96 фоиз
2	Хос	1 АҚШ доллари/1 м2. учун; 45 000 сўм/1 литр учун	Импорт божи, Акциз солиғи	2 фоиз
3.1	Аралаш (Алтернатив)	10 %, бироқ 1 АҚШ долларидан кам бўлмаган/1 м2. учун; 50%, бироқ 1 литр учун/13 500 сўмдан кам бўлмаган	Импорт божи, Акциз солиғи	1,9 фоиз
3.2	Аралаш (Комбинацион)	10 % + 1 АҚШ доллари/1 м2. учун; 360 000 сўм/1000 дона + 10 фоиз.	Импорт божи, Акциз солиғи	0,1 фоиз

Товарлар божхона қийматини аниқлаш нафақат божхона назоратида балки божхона аудитида ҳам энг асосий масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига кираётган ва ундан чиқаётган товарларнинг божхона қийматини тўғри аниқлаш мамлакат бюджетининг даромад қисмини тўлдиришга хизмат қилиб, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини тезлаштиради, тармоқ ва соҳалар ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Товарлар божхона қийматини мазмун-моҳиятини қуйидаги жадвалда яққол кўриш мумкин (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Товарнинг турли босқичлардаги қиймати

Товар жойлашган манзил	Товар қиймати	Умумий божхона тўловлари (ўртача 30%)
Ишлаб чиқарувчи омборида	90 АҚШ доллари	27 АҚШ доллари
экспорт қиладиган мамлакат ички бозорида	100 АҚШ доллари	30 АҚШ доллари
Импорт мамлакат божхона чегарасида (ташиш ва бошқа харажатлар билан)	117 АҚШ доллари	35 АҚШ доллари
Импорт мамлакат бозоридаги сотув нархи	140 АҚШ доллари	42 АҚШ доллари

Юқоридаги жадвалдан божни қайси нархдан ундириш лозим деган савол пайдо бўлиши табиий. Агар ундириладиган бож миқдорини энг кўп даражада кўпайтиришга амал қилинадиган бўлса, 140 АҚШ долларлик нархни асос қилиб олиш ва ундан бож



ундириш лозим. Бироқ, тадбиркорлик субъектининг манфаатидан келиб чиқиладиган бўлса, бож ишлаб чиқарувчи омборидаги нархдан (90 АҚШ доллар) ҳисобланиши керак бўлади. Шу сабабли товарлар таснифланиши халқаро бирхиллаштириш жараёни билан биргаликда товарнинг божхона қийматини аниқлашнинг халқаро тизими ҳам ишлаб чиқилди. Бундай тизим 1950 йилда қабул қилинган ва шундан бошлаб 120 дан ортиқ мамлакатда амал қилинаётган божхона қиймати тўғрисидаги Брюссель конвенцияси билан деярли бир вақтда кучга кирди.

Бироқ 1970 йиллар охирида Савдо ва тариф бўйича бош келишув (ГАТТ) доирасида ўтказилган кўп томонлама савдо музокаралари натижасида (бу «Токио раунди» деб аталади) божни ҳисоблаш учун товар нархини белгилашнинг янада такомиллашган халқаро тизими ишлаб чиқилган. Ушбу тизим беш-олти йил давомида яратилди. Бунда товарнинг божхона нархини белгилашга асос қилиб олинган принциплар тўғрисидаги масала атрофида кескин мунозаралар юзага келди. 1979 йил 12 апрелда бошқа кодекслар билан биргаликда божхона баҳолаш тўғрисида низом<sup>4</sup> қабул қилинди. Унинг расмий номи *“ГАТТнинг 7-моддасини қўллаш тўғрисида келишув”* деб аталади. Ҳозирги вақтда ушбу ҳужжат билан назарда тутилган божхона қийматини ҳисоблаб чиқишнинг халқаро тизими АҚШ, Япония, Европанинг барча мамлакатларида ва бир қанча ривожланаётган мамлакатларда қўлланилади.

Божхона қиймати замонавий божхона-тариф тизимларининг ғоятда муҳим жиҳати ҳисобланади. Бироқ, у шунингдек фискал манфаатлар йўлида божни ҳисоблаш ва миллий саноат тармоқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш воситаси сифатида ҳам муҳим. Божхона қиймати божхона статистикаси, лицензиялаш ва квоталаш бўйича келишувлар, товарлар импортида ва преференциал тизимлардан фойдаланишда ундириладиган бож ва солиқлар каби ташқи савдонинг муҳим омиллари сирасига киради.

Олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ундирилиши божхона органларига юклатилган божхона божи, йиғимлар ва бошқа тўловларни ҳисоблаш, шунингдек, божхона статистикасини юритиш, божхонага доир бошқа мақсадларда товарлар қийматини белгилаш, шу жумладан, божхонага оид ҳуқуқбузарликлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган чораларнинг қўлланилиши учун реал базани (негизни) аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига кирадиган ва ундан чиқадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва унинг асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади. Товарнинг божхона қиймати декларант томонидан божхона қийматини белгилашнинг келтирилган усулларида биноан белгиланади. Декларант ёки божхона брокери томонидан маълум қилинадиган товарнинг божхона қиймати ва уни аниқлашга тааллуқли тақдим этиладиган маълумотлар тўғри, миқдорий жиҳатдан аниқлаш мумкин бўлган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотга асосланиши керак. Декларант ёки божхона брокери декларацияланадиган товарнинг божхона

<sup>4</sup> Agreement on implementation of article VII of the General agreement on tariffs and trade 1994  
[https://www.wto.org/english/docs\\_e/legal\\_e/20-val.pdf](https://www.wto.org/english/docs_e/legal_e/20-val.pdf)



қиймати маълум қилингунига қадар аниқланган товар туркумининг товарнинг йўқолиши, камомади, шикастланиши ҳажмларига мос бирликка келтирилган божхона қийматини маълум қилиш ҳуқуқига эга. Товарнинг йўқолиши, камомади, шикастланиши факти экспертиза хулосаси ва божхона кўздан кечируви далолатномаси билан тасдиқланган бўлиши керак.


Товарнинг божхона қийматини назорат қилиш қонунчиликда<sup>5</sup> берилган бўлиб, унга кўра, божхона органи декларант ёки божхона брокери томонидан танланган товарнинг божхона қийматини аниқлаш усулининг ва маълум қилинган божхона қиймати ҳисоблаб чиқарилишининг тўғрилигини қуйидагилар асосида аниқлайди:

декларант ёки божхона брокери томонидан тақдим этилган божхона қиймати декларацияси, ҳужжатлар ва маълумотлар;

товарнинг божхона қийматини аниқлашда фойдаланиладиган, божхона органлари ўз ихтиёрида мавжуд ахборотлар.

БЮД расмийлаштирилаётганда аниқланган ва божхона органи томонидан қабул қилинган товарнинг божхона қийматини аниқлаш усули ва божхона қиймати суммасининг ҳисоб-китоби фақат қонунчиликда<sup>6</sup> кўзда тутилган ҳолларда ҳамда товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига тузатишлар киритиш зарурлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда қайта кўриб чиқиши мумкин.

Божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қиймати бу - товарнинг божхона қийматини аниқлаш усулларида бири орқали аниқланадиган ва божхона тўловларини ҳисоблаш мақсадида фойдаланиладиган товар қийматидир. Божхона қийматини аниқлашнинг 6 та усули мавжуд ва улар кетма-кетликда қўлланилиши лозим (3.1-расмга қаранг).




3.1-расм. Божхона қийматини аниқлаш усуллари<sup>7</sup>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, 319-модда. Товарнинг божхона қийматини назорат қилиш. <https://www.lex.uz/acts/2876354>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, 320-модда. Товарнинг божхона қийматига ва (ёки) божхона тўловларига тузатишлар киритиш. <https://www.lex.uz/acts/2876354>

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, 302-модда. Олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш усуллари. <https://www.lex.uz/acts/2876354>

Божхона органлари томонидан 2017-2021 йилларда божхона қиймати декларацияларида божхона қийматини аниқлаш усуллари ўзгаришини таҳлил қилинганида, жами божхона қийматини аниқлаш усуллари таркибида 2017 йилда 1-усул 36 фоизни, 6-усул 61 фоизни ва 2,3,4,5-усуллар умумий ҳолда 3 фоизгачани ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич, 1-усул 30 фоиз, 6-усул 63 фоиз, бошқа усуллар умумий ҳолатда 7 фоизгачани ташкил этган. Таҳлилларда шу нарса маълум бўлдики, аксарият (93-97 фоиз) ҳолатларда товарларнинг божхона қиймати 1 ва 6 усулларда аниқланмоқда (2-расм)<sup>8</sup>.



3.2-расм. 2017-2021 йилларда божхона қиймати аниқланган усулларнинг улуши (%да) 9999 2022-уш

### 3.5-жадвал

#### Божхона қийматини аниқлаш усуллари таҳлили<sup>9</sup>

Усуллар / қўллаш устуворлиги	номи	Қийматни ҳисоблашдаги асосий манба	Мажбурий тартибда тақдим этиладиган ҳужжатлар
1-усул / 1-навбатда	Олиб кириладиган товарга доир битимнинг қиймати бўйича божхона қийматини аниқлаш	Ташқи савдо шартномасидаги товар қиймат	1. Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими томонидан бириктирилган ташқи савдо контрактининг (шартнома, келишув) идентификация рақами; 2. Ҳисобварақ-фактура (инвойс).
2-усул, / 2-навбатда	Айнан бир хил товарга доир битимнинг қиймати бўйича	Айнан бир хил товарга доир шартнома	1. Божхона органи томонидан қабул қилинган ва божхона қиймати 1-усул бўйича аниқланган ҳолда чиқарилган

<sup>8</sup>Т.Пардаев. Божхона тўловлари йиғилувчанлигини оширишда божхона қиймати ва уни аниқлашни тақомиллаштириш йўллари. Ўзбекистон божхона ахборотномаси. 2020 йил 1-сон.

<http://uzbi.uz/video/Axborotnoma3.pdf>; ДБК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган



	аниқлаш		айнан бир хил ва ўхшаш товарларга тегишли бўлган божхона декларацияси;
3-усул, / 3-навбатда	Ўхшаш товарга доир битимнинг қиймати бўйича аниқлаш	Ўхшаш товарга доир шартнома	1. Божхона органи томонидан қабул қилинган ва божхона қиймати 1-усул бўйича аниқланган ҳолда чиқарилган айнан бир хил ва ўхшаш товарларга тегишли бўлган божхона декларацияси;
4-усул, / 4-навбатда	Қийматларни чегириб ташлаш асосида божхона қийматини аниқлаш	Ички бозордаги дастлабки улгуржи савдодаги қиймати	1. Ички бозорда сотилган айнан бир хил ва ўхшаш товарга доир шартномалар; 2. Ҳисобварақ-фактура (инвойс); 3. Баҳоланаётган товарга ишлов бериш натижасида қўшилган қиймат тўғрисидаги ва товарни олиб кириш, сотиш билан боғлиқ харажатлар акс эттирувчи ҳисобварақ-фактура; 4. Товарларни олиб кириш ва (ёки) сотиш муносабати билан божхона божи, солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар.
5-усул, / 4-навбатда (4 ва 5-усуллар ихтиёрий кетма-кетликда)	Қийматларни қўшиш асосида божхона қийматини аниқлаш	Товар ишлаб чиқаришда сарфланган хом ашёлар қиймати	1. Ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар ҳамда материалларни сотиб олиш ва (ёки) баҳоланаётган товарларни ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқарувчи (сотувчи) харажатлари тўғрисидаги маълумотлар; 2. Экспорт қилувчининг фойдасини ўз ичига олган бухгалтерлик ҳужжатлари; 3. Ташқи савдо контрактида (шартномасида, келишувида) белгиланган битим шартларига мувофиқ суғурта ҳужжатлари; 4. Ташиш учун ҳисобварақ-



			фактура (инвойс) (ташиш харажатлари калькуляцияси).
6- усул, / 5-навбатда	Захира усул божхона қийматини аниқлаш	ДБҚ нарх маълумотлар базаси	Ҳужжат тақдим этилмайди.

Ривожланган мамлакатларда 95-96 фоиз товарлар 1-усулда божхона қиймати аниқланади. Бу эса товарларни божхона қийматини аниқлашга кетадиган вақт сарфини камайишига олиб келиб, божхона чегарасидан товарлар ўтишини тезлаштиради. Ушбу давлатларнинг божхона органларида ўзаро маълумот алмашиш ахборот тизими йўлга қўйилганлиги сабабли 1-усул учун асос бўлиб хизмат қиладиган импорт шартномасида товар нархини пасайтириш олди олинган.

Амалиётда энг кўп қўлланиладиган усул бу 1-усул бўлиб, ушбу усулда божхона қийматини аниқлашда йўл қўйилаётган хатоликларни аниқлашда божхона аудити ходими текширув жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим деб ҳисоблаймиз:

божхона қийматини эълон қилиш вақтида фойдаланилган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланган ва тўғрилиги;

божхона қиймати индексининг оdatий миқдори;

божхона қийматини белгилашда транспорт харажатининг қўшилганлиги;

воситачилик ва брокерлик ҳақлари қўшилмаганлиги;

товарнинг текинга, арзонлаштирилган нархларда ёки беғараз ёрдам сифатида олиб келинганлиги;

товар консигнация ёки лизинг шартларида олиб кирилганлиги, товарни тасарруф этилишини ёки сотилишидан тушадиган пулнинг бир қисми бевосита ёки билвосита сотувчига ўтиши;

харидор ва сотувчи бир-бирига боғлиқ шахслар бўлмаслиги;

хорижий мамлакатлардан юборилган маълумотларга мослиги (маълум мамлакатларнинг божхона органлари билан ўзаро маълумотлар алмашишга мўлжалланган ахборот дастурлари орқали).

Амалиётда кўп қўлланиладиган усуллардан яна бири бу захира, яъни 6-усул ҳисобланиб, уни қўллашда божхона органи декларацияловчи шахсга ўз ихтиёрида мавжуд бўлган нархлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этади. Божхона органи захира усулни тўғри қўллаш мақсадида шундай ахборотни йиғиб боради. Захира усулдан фойдаланишда ҳужжатлар билан тасдиқлашга доир талаблар қуйидагиларни бошқа усулларга нисбатан бир мунча қайишқоқликка йўл қўяди:

жаҳон нархларига доир, ички бозор нархларига доир ахборот маълумотномаларидан фойдаланишни;

воситачилик ҳақлари, чегирмалар, фойдалар, транспорт тарифлари умум қабул қилинган даражаларининг статистик маълумотларидан фойдаланишни.

Юқорида кўрсатилган ҳолларда, баҳоланаётган товарни етказиб бериш шартларини ҳисобга олган ҳолда маълумотларга тегишли тузатишлар киритилиши шарт.



Товарнинг божхона қийматини 6-усулда аниқлаш учун асос сифатида қуйидагилардан фойдаланишга йўл қўйилмайди:

- а) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ўхшаш товарнинг сотилиш нархидан;
- б) икки ва ундан ортиқ муқобил қийматларнинг энг юқори қийматидан;
- в) экспорт қилувчи мамлакатнинг ички бозоридаги товар нархидан;
- г) божхона қийматини аниқлаш учун қийматларни қўшиш усулини қўллашда фойдаланилмайдиган ишлаб чиқариш чиқимларидан;
- д) экспорт қилаётган мамлакатдан учинчи мамлакатларга етказиб берилаётган товарнинг нархидан;
- е) энг паст божхона қийматларидан;
- ж) товарнинг ўзбошимчалик билан белгиланган ёки тўғри тасдиқланмаган нархидан.

Божхона органи аниқланган товарнинг божхона қиймати ҳамда шундай қийматни аниқлаш учун фойдаланилган усул тўғрисида декларацияловчи шахснинг аризасига кўра унга ахборот беради. 6-усулни қўллашда ҳужжатлар орқали тасдиқлашга нисбатан талаблар, шунингдек, бошқа усулларга нисбатан кўпроқ қайишқоқликка йўл қўяди: жаҳон нархлари, ички бозордаги нархлар бўйича ахборот билдиргичларидан фойдаланиш; комиссия рағбатлантириш ҳақлари, чегирмалар, фойда, транспорт тарифлари ва шу кабиларнинг умумий қабул қилинган даражалари ҳақидаги статистик маълумотлардан фойдаланилади. Бунда баҳоланаётган товарларнинг етказиб берилиш шартларини ҳисобга олган ҳолда маълумотлар албатта тегишли равишда ўзгартирилиши лозим.

Давлат божхона қўмитасининг соҳавий бошқармалари томонидан импорт қилинаётган товарларнинг божхона қийматини тўғри белгиланиши юзасидан доимий равишда таҳлиллар олиб борилади. Таҳлилий маълумотномаларда истиқбол режа кўрсаткичларини бажаришда асосий захира омилларидан бири бўлган импорт товарларининг божхона қийматини тўғри белгиланиши масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, ҳудудий божхона бошқармалари томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар аҳволи, товарларнинг божхона қийматини тўғри белгиланишини назорат қилиш, бошқармаларда ташкил этилган божхона қийматини назорат қилиш гуруҳларининг фаолиятини жонлантиришга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланади.

Жумладан, баён қилинаётган божхона қийматини (1-усулда) тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни ўрганиб чиқмаслик ёки тўлиқ тақдим этилишини талаб қилмаслик, усуллар кетма-кетлигини бузиш, божхона қийматини белгилашда асосга эга бўлмаган маълумотлардан фойдаланиш ва мавжуд бўлган нарх маълумотларидан фойдаланмаслик, товарларни бошқа номлар билан номлаш ёки ТИФ ТН бўйича кодларни ўзгартириш орқали божхона қийматини пасайтириш каби ҳолатлар кўплаб аниқланган.

Экспортёр, реэкспортёр ҳамда транзит мамлакатларига юборилган сўровномаларга олинган жавоб хатлари асосида ўтказилган таҳлиллар натижасида аниқланган божхона қийматига боғлиқ тафовутлар ҳам аниқланмоқда.



**Мисол учун:** Хусусий тадбиркор томонидан Россия Федерациясидан “тезпишар қора буғдой ёрмаси, 1-сорт, 25кг.ли қопларда” номли товар олиб келиниб, “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштирилган. Россия Федерал божхона хизмати томонидан электрон шаклда тақдим этилган маълумотдаги экспорт БЮДларда кўрсатилган нархлар билан солиштирилганда, божхона қиймати 3 баробарга пасайтирилганлиги аниқланди. Божхона қийматини пасайтирилиши натижасида қўшимча 57,4 млн. сўм миқдорида божхона тўловлари ҳисобланган.

Шунингдек, маълумотномаларда ДБҚнинг соҳавий бошқармалари томонидан божхона органларида жорий этилган ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида (ЯААТ) мавжуд бўлган назорат дастурлари орқали республика ҳудудига импорт қилинаётган товарлардан божхона тўловларини тўғри ундирилиши, шу жумладан, уларнинг божхона қийматини ҳаққоний белгиланиши юзасидан аниқланган камчиликлар қайд этилади.

Олиб келинадиган товарнинг божхона қиймати қуйидаги харажатларни албатта қўшган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади:

1. Агар товар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига (чегарасигача) EXW,FCA,FAS,FOB етказиб бериш шартлари (Инкотермос-2020<sup>10</sup>)да олиб кирилса, товарнинг божхона қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади (3.1):

$$ТС = Ц + Ф + С + П \quad (3.1)$$

2. Агар товар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига (чегарасигача) CFR, CPT етказиб бериш шартларида олиб кирилса, божхона қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади (3.2):

$$ТС = Ц + С + П \quad (3.2)$$

Чунки ушбу етказиб бериш шартларида асосий кира ҳақини тўлаш мажбурий талаб бўлиб, у товарнинг шартнома нархига киритилади.

3. Агар товар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига (чегарасигача) CIF ёки CIP шартларида олиб кирилса, товарнинг божхона қиймати қуйидаги кўринишда шартнома нархи бўйича олиб кирилган товарнинг шартнома қийматига айнан тенг бўлади (3.3):

$$ТС = Ц \quad (3.3)$$

*Бу ерда: ТС – Олиб кириладиган товарнинг божхона қиймати;*

*Ц – Товар қиймати;*

*Ф – Фрахт бўйича харажатлар (ташиш, юклаш ва б.);*

*С – Суғурта бадали суммаси (суғурталаш мукофоти);*

*П – Товарни импортчи мамлакат чегарасига қадар олиб ўтиш билан боғлиқ харажатлар;*

*Р – Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди ичида товарни олиб ўтиш билан боғлиқ бошқа харажатлар;*

Худудий божхона бошқармалари ва божхона постлари томонидан товарларнинг божхона қиймати индекси бўйича таҳлиллар олиб борилганида натижасида аксарият ҳолларда қўшимча ўлчов бирлигида (дона, кв.м ва х.к.) ўлчанадиган истеъмол

<sup>10</sup>Incoterms 2020. INTERNATIONAL CHAMBER OF COMMERCE. <https://iccwbo.org/resources-for-business/incoterms-rules/incoterms-2020/>



товарларнинг божхона қиймати кескин пасайиб кетганлиги аниқланмоқда. Турли ҳажмлардаги товарларнинг божхона қиймати бир хил нархларда белгиланиб, айрим ҳолларда, товарларнинг божхона қиймати уларни ишлаб чиқаришда сарф бўладиган хом-ашёларнинг нархларидан ҳам пасайтирилишига йўл қўйилганлиги аниқланмоқда.

Мисол учун: Хитой давлатида ишлаб чиқарилган умумий оғирлиги 6400 кг ва қўшимча ўлчов бирлиги 800 м<sup>2</sup> бўлган “Рамкасиз кўзгулар, 4 мм қалинликда” товарининг 1 кг. учун божхона қиймати 0,4 АҚШ долларидан расмийлаштирилган. Таҳлиллар натижасида Давлат божхона қўмитаси ЯААТ дастурида 4 мм. қалинликдаги “Ойна листи, қалинлиги 4 мм” товарининг божхона қиймати 1 м<sup>2</sup>. учун 3 АҚШ доллари белгиланганлиги, бунда ушбу товарнинг ҳар 1 кг.ми учун 0,4 АҚШ долларидан тўғри келиши аниқланган. Мазкур ҳолатда “Рамкасиз кўзгулар, 4 мм қалинликда” товарининг божхона қиймати уни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган “Ойна листи, қалинлиги

4 мм” хом-ашё материалнинг нархида расмийлаштирилганлигини қўриш мумкин. Аслида “Ойна листи, қалинлиги 4 мм” товаридан “Рамкасиз кўзгулар, 4 мм қалинликда” товарини ишлаб чиқариш учун қўшимча маблағ талаб этилади. Юқоридаги ҳолат бўйича дастлабки ҳисоб-китоблар натижасида, ундирилмай қолинган 13,4 млн. сўм миқдоридаги божхона тўловлари ҳисобланган.